

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
АРХИТЕКТУРА ФАКУЛЬТЕТИ**



**“Архитектура тарихи ва назарияси” кафедраси 5340100 – “Архитектура”
таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

Комилов Камолбек Қосимбой ўғлининг

Тушунтириш хати

**“Илк ислом ва Ўрта асрлардаги Хоразм шаҳарлари. Шаҳарларнинг ва
ансамблларнинг тизимли график тиклаш лойиҳаси”**

мавзусидаги битирув малакавий иши

Рахбар : А.А. Зияев

Дипломант: К.Қ. Комилов

Тошкент 2018

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“Архитектура тарихи ва назарияси” кафедраси

Бакалаврият: 5340100 – Архитектура

ТАСДИҚЛАЙМАН

АТН кафедр мудири

Матчонов Б.Г._____

“_____” _____ 20__ йил

Диплом ишини бажариш учун

ТОПШИРИҚ

Битирувчи:_____

Гуруҳ:_____

1. Диплом иши

мавзуси:_____

ТАҚИ ректорининг _____ сон “_____” _____ 20__ йил буйруғи билан тасдиқланган.

2. Диплом ишини ҳимоя санаси: “_____” _____ 20__ йил

3. Таянч манбалар (битирув олди амалиётида тўпланган материаллар кўрсатилади):

4. Диплом иши матн қисмининг асосий бўлимлари:

- Тархий, архитектуравий бўлим. _____
- Конструктив бўлим. _____

5. График материаллар таркиби (мажбурий чизмалар ва масштаблар кўрсатилади):

Эслатма: 1. Ишнинг график қисми 1x1 ўлчамли 4 планшетдан ёки 8 стандарт ватманда бажарилади.

6. Диплом иши бўйича маслаҳатчилар (консультантлар):

- Тарихий, архитектуравий бўлим. _____
- Конструктив бўлим. _____

7. Диплом ишини бажариш жадвали:

№	Ишнинг қисмлари	Муддати	
		бошланиши	тугатилиши
1	График қисми		
2	Бўлимлар: а) тархйй архитектуравий бўлим		
	б) конструктив бўлим		
3	Ишнинг бажарилиши бўйича назорат саналари	Ҳар ҳафтада	
4	Дастлабки ҳимоя		

****Бўлимларнинг бажарилиш муддатлари маслаҳатчилар (консультантлар) томонидан белгиланади.**

Диплом иши раҳбари: _____
(насаби, фамилия, исми, шарфи) _____ имзо

Топшириқни олдим: “_____” _____ 2018 йил

Битирувчи: _____
(насаби, фамилия, исми, шарфи) _____ имзо

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	5
I. Архитектура бўлим.....	7
1.1. “Ичан-қалъа” тарихий меъморий ёдгорликлар мажмуаси.....	8
1.2. “Кўхна Арк” сарой мажмуаси XVII.....	12
1.3. Ичан-қалъадаги масжидлар, мақбаралар, мадрасалар ва саройи меъморчилиги.....	17
1.4. Хива миноралар меъморчилиги.....	38
1.5. “Ичан-қалъа” Мудофаа девори ва дарвозалари.....	45
II. Конструктив бўлим.....	52
2.1. Ўрта асрларгача бўлган конструкциялар.....	53
2.2. Паҳса деворли бинолар.....	54
2.3. Синчли ёғоч конструкциялари.....	56
III. Иқтисодий бўлим.....	57
Қурилиш объекти баҳосини жорий нархларда аниклаш.....	58
Умумий хулосалар	68
<u>Айрим терминлар лугати.....</u>	69
Фойдаланилган адабиётлар.....	71
Илова.....	72

К И Р И Ш

Шарқ меъморчилигининг тенгсиз жавоҳири, мустақил Ўзбекистонимизнинг энг гўзал ва қадимий шаҳарларидан бири бўлган навқирон Хиванинг “Ичан-қалъа” мажмуасидаги тарихий меъморий ёдгорликлари ҳақиқатдан ҳам дунёда ягонадир!

Тарихи қадим замонларга бориб тақалган Жанубий Оролбўйи ҳудудидаги Хива шаҳрининг “Ичан-қалъа” музей қўриқхонаси ҳудудида жойлашган тарихий меъморий обидалар тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар келтирилган. Планетамизнинг энг қадимги цивилизациясидан бири ҳисобланган Қадимий Хоразм - Урарту билан Вавилонияга тенгдош давлат Осиёдаги энг катта дарё – Амударё соҳилида барпо этилган. Бу воҳадаги шаҳарлар бизнинг эрамиздан анча илгари қад кўтарган бўлиб, уларнинг бинокорлари математика билан геодезияни, астрономия билан медицинани яхши билганлар, ҳамда шаҳарсозлик, меъморчилик, архитектура ҳамда рассомчилик санъатини мукаммал эгаллаган кишилар эди.

Бугунги кунда дунёнинг етти иқлимидан оқиб келаётган сайёҳларни лол қолдираётган, яъни дунё цивилизациясида Рим, Миср, Месопотамия каби қадим тарихга эга бўлган Хоразмда меъморчилик, қурилиш нақадар юксак тараққий қилганлигини кўз-кўз қилиб турган жонли гувоҳларимиз ҳисобланган тарихий меъморий ёдгорликларга оид маълумотларни ўрганиш ҳар биримизнинг асосий вазифаларимиздан бири десак муболаға бўлмайди.

Маданий меъросларни сақлаш жамият олдида турган муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Азалий қадимийлик бизгача етиб келган архитектуравий иншоотларни ўз ичига олувчи бой моддий маданиятни етказиб келган. Ачинарлиси шундаки, улар ҳаробалар ёки тупроқ ва ер қатламининг тагида қолиб келмоқда, узок ўтмий архитектура ёдгорликларини тадқиқ этиш илмий археологияни самараси туфайли ўз ривожини топди. Қазилар ишларида археолог олимлар билан бирга қатор архитектор реставраторлар ҳам фаол иштирок этиб келмоқда, улардан эса архитектура ёдгорликларини тадқиқ этиш ташаббуси келиб чиқади. Архитектуранинг

археологик ёдгорликларини ўрганиш – бу мураккаб ижодий жараён бўлиб махсус билим, тажриба ва катта масъулият талаб этади. Шу сабабли архитектор реставратор биринчи навбатда ҳукумат томонидан ўрнатилувчи катор кўрсатмалар билан танишиб чиқиши зарур.

Марказий Осиё архитектураси ривожда кескин ўзгаришлар қадим давр билан Ўрта асрлар чегарасига тўғри келади. Илк Ўрта асрлар архитектурасининг ўзига ҳосликларни назарда тутиб унда уч: VI-VIII, IX-X ва XI-XIII аср 2-ўн йилликни ўз ичига олган даврларни ажратиш мумкин. XIII асрнинг 3-9-ўн йилликлари Мўғул истилосидан кейинги вайронагарчилик даври бўлганлиги сабабли у замонга оид ёдгорликлар йўқ. Илк Ўрта асрларни даврларга ажратишда VIII асрда ислом дининг ёйилиши катта аҳамиятга эга бўлганлигини назарда тутиш зарур. Бу жараён қурилишларининг жадаллашувига, бинолар типологиясининг, санъат турлари синтези қийматининг катта ўзгарувларига олиб келади.

VI-VIII асрларда ҳайкаллар Самонийлар ва Турк ҳоконлари ҳукумронлик қилган эдилар. Вилоятлар нисбатан мухториятга эга бўлиб ўз ҳукумдорлари томонидан бажарилган.

АРХИТЕКТУРА

БЎЛИМИ

Битирувчи: _____

Раҳбар: _____

1.1. “Ичан-қалъа” тарихий меъморий ёдгорликлар мажмуаси.

Хива – Амударёнинг чап соҳилида, Хоразм вилоятининг жанубида жойлашган. Иқлими кескин континентал, қиши меъёрида совуқ, қор кам бўлади. Ёзи эса иссиқ ва қуруқ ўтади.

Хивалик тарихчи Худойберди ибн Аваз Муҳаммад келтирган қизиқарли афсона Хиванинг жуда қадимийлигидан далолат беради. У “Дили ғаройиб” асарида бундай ёзади: “Хоразмнинг яна бир шаҳри Рамлдир. Унга Сом бин Нух асос солган, ҳозир уни Хейвақ деб атайдилар. Яна айтадиларки, бу сўзда (Хейвақ) Ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд валий вафот этган таарих (санаси) яширинган. Шу тариқа бу таарих мазкур шаҳарнинг номи бўлиб қолди. Унинг аввалги номи Рамл, бу – қумлоқ демакдир. Кунлардан бир кун Сом ибн Нух бу ерда ётиб ухлаган ва тушида ўзини уч юз ёник машъала ўртасида кўрибди. Хушнуд кайфиятда уйғониб, ўзидан хотира қолдирмоқчи бўлибди ва шу жойни текислаб, шаҳар қурибди. Бошқа бир гал бу ерга келганида атрофини девор билан ўрабди ва унинг ғарбий томонида булоқ-қудуқ қазибди. Хуллас ҳикоя қилишларича, Хейвақ кўп марталаб вайрон бўлган ва қайта тикланган”.

Хива тарихчисининг ёзганларидан ва афсона маълумотларидан тарихий ҳақиқатни фаҳмлаб олишга муваффақ бўла оламиз. Аввало, Хива қумлоқдан иборат бўлган жой – Рамл деб аталган, унинг пайдо бўлган вақти ва унга асос солган зотнинг номи Нух ўғли Сом билан боғлиқ бўлганлигини инкор қилиб бўлмайди.

Хейвақ қудуғи – Ичан-Қалъанинг шимолий- шарқий қисмида Боғча Дарвозага яқин ҳудудда қалъа деворига яқин бўлган, “Мадирим қийиқчи” лақабли кишининг ҳовлисида жойлашган. Ҳақиқатан ҳам ушбу қудуқ жуда қадимий бўлиб, қалъа деворидан ҳам олдин қудуқ пайдо бўлган ва аста-аста унинг атрофида уй-жойлар тикланиб, сўнгра шаҳар қалъасининг девори тикланган.

Тавротда ёзилганидек қудуқ “Хейвак” деб номланганлиги, унинг қадим замонлардан қолганлигидан далолат беради. Ичан- Қалъадаги қарияларнинг айтишича, Хейвак қудуғининг вақт ўтиши давомида ер ости сувларини йиғадиган “кўзи”, яъни қудуқнинг туби қум ва тупроқлар билан ёпилиб қолган. Хейвак қудуғини бир вақтлар (1950 йилларда) шу атрофда яшайдиган Саъдулла оқсоқол деган савобталаб бир инсон қазмоқчи бўлган, аммо қазилган жойини қум босиб қолаверган. Шу муносабат билан қудуқ қазилмай қолган ва ер ости сувларининг сатҳи охириг икки йилликда камайиб кетганлигидан қудуқда сув йўқ.



1-расм: “Хейвак” қудуғинининг XIX – асрда олинган фотосуратдаги қудуқнинг ёғочдан ишланган устки қисми ва ҳозирда пишган ғиштдан терилган қисмининг умумий кўриниши

Ушбу Хива номи боғлиқ бўлган қадимий Хейвак қудуғи барча Хоразмликлар учун жуда қадрли ва азиз. Ҳозирда, ушбу ҳовлининг эгаси Мадраҳимова Саломат опалар қудуқни талаб даражасида сақламоқдалар ва бу ҳовлига хорижий сайёҳлар ҳам келиб бу қудуқни суратларга тушириб, зиёрат қилиб кетмоқдалар.


Хейвак қудуғининг чуқурлиги 7 - 8 метр бўлиб, қудуқнинг туби созоқ-сўзандан териб чиқиб ишланган. Созоқ ўсимлигининг танаси жуда қаттиқ структурали ёғоч сифатида намликка чидамли ва ер ости сувларини тоза

ҳолида кудуқ ичига йиға олиш хусусиятини яхши билган қадимги усталар кудуқ тубини 1,0 - 2,0 метр қисмигача созоқдан, цилиндрсимон шаклда териб чиққанлар.

Ҳурматли президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганларидек, “Хива – гўзал диёримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий ва маънавий анъаналаримизнинг абадийлигини мужассам этган бир мўъжизадир”. Хиванинг мўъжизаси ҳисобланган Ичан - Қалъа 1967 йилда Ўрта Осиёда ягона қўриқхона шаҳар деб тан олинди, 1990 йил декабр ойида ЮНЕСКО тасарруфига - жаҳон маданияти ва мероси рўйхатига киритилди ва шаҳарга “Хива - очик осмон остидаги музей шаҳар!” деган олий мақом берилди.

Хива шаҳрининг жаҳон маданияти тараққиётида тутган алоҳида ўрнини ҳисобга олган ҳолда, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил октябрь-ноябрь ойларида Парижда ўтказилган 28 – сессияси Хива шаҳрининг 2500 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақидаги қарорни қабул қилди. 1997 йилнинг 20 октябрида Хиванинг 2500 йиллик юбилеи кенг нишонланди. Ушбу тантанага ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Хиванинг ўтмиши, бугуни ва келажакка юксак баҳо берди. “Хива – Ўзбекистон фаҳри!” дея қадимий шаҳарнинг шаънига илиқ сўзлар айтди. Юбилей шарофати, юртбошимиз ташаббуси билан Хивада Хоразм Маъмун академиясига қайта асос солинди.

Ҳар қадамда янгилик нишонаси кўзга ташланадиган Хива шаҳри ўзининг асл жозибасини сақлаб қолган, худди шарқ афсоналарида тасвирланганидек гўзал шаҳардир. XIV-XVIII асрлар архитектура ёдгорликларининг Ўрта Осиёда ягона мажмуаси, давлат архитектура музей - қўриқхонаси, хиваликларнинг ифтихори ва ҳамиша ардоқлаб сақлаб келинаётган Ичан-Қалъада 100 дан ортиқ тарихий меъморий обидалар ва қадимий уй-жойлар мавжуддир.



2-расм: “Ичан-Қалъа” музей қўриқхонасининг аэрофотосурати

1.2. Ичан-Қалъада жойлашган “Кўҳна Арк” сарой мажмуаси XVII.

Кўҳна Арк мажмуаси Ичан-Қалъа музей кўрикхонасининг ғарбий қисмидаги қалъа деворига ёпишиб қурилган бўлиб, юқори қисмида Оқ шайх бобо тепалиги жойлашган. Шарқий томонидан, яъни бош фасад қисмида Арк майдони ва дарвозасидан ўнг тарафда зиндон билан ёнма-ён жойлашган. Хива шаҳрининг қадимги қалъаси - Кўҳна Арк номи билан маълум бўлганлиги тарихий манбаларда келтирилган. Арк ҳудудидада қадимги Оқ шайхбобо номли кўшк сақланиб қолган. Йиллар ўтиши билан Кўшк атрофида секин-аста шаҳар пайдо бўлган. Хива хонлигидаги хонларнинг саройлари ҳам шу ерда қурилган.



3-расм: Кўҳна арк кириш дарвозаси XVII.



4-расм: Кўҳна арк қалъасининг ёзги айвони XIX.

Кўҳна Арк Қалъасининг пайдо бўлиш тарихини Хива шаҳрининг ҳам тарихи деса бўлади. Хом ғиштдан қурилган кўрғон ўша даврда девор билан ўраб олинган, аркнинг ҳудудида ҳозир фақат XIX асрга оид бир неча бино сақланиб қолган. Лекин қадимги арк шаҳар ичида ўзига хос шаҳардек бўлган. Тарихий маълумотларга кўра, Арангхон 1686 йилда Ичан Қалъанинг ғарбий дарвозаси яқинида Кўҳна Арк қалъаси қурилишини бошлаган. Арк кўп ховлили, тузилиши мураккаб, таркибида хон ва унинг оила аъзолари,

амалдорлари учун хоналари бўлган. Аркдаги кўпгина иморатларда фақат XIX аср ва XX аср бошларидаги бир неча иншоот-кўринишхона, масжид, зарбхона ва ҳарам сақланиб қолган. Илгари аркда аслаҳахона, милтиқдори (порох) устахонаси ва девонхона жойлашган. Омборхона, ошхона, зиндон, отхона ва ноғорахона ҳам шу ерда жойлашган. Қалъага мустаҳкам дарвозалар орқали кирилган. Арк баланд данданали кунгурали девор билан Ичан Қалъадаги гузарлардан ажратиб туради. Девор ичидаги биринчи ховли хон қабулига кирувчилар учун кутиш жойи вазифасини бажаради.

Иккинчи ҳовлида замбараклар жойлаштирилган, учинчи ҳовли хон амалдорлари йиғиладиган жой бўлган, шундан кейингина Кўхна Арк деб номланган дабдабали Кўринишхона ҳовлисига ўтилган.

Кўхна Аркда доирасимон супа бўлиб, унинг устига қигиз ўтов ўрнатиб, хон ушбу ўтов ёнида ўтириб, арз учун келганларни қабул қилган. Кўхна Аркдан узун тор йўлак орқали ҳарамга ва зинапоядан Оқ шайхбобо тепалигига ўтилади. Шаҳар девори билан деярли туташиб кетган тепаликка шаҳар томонга қаратиб икки қаватли айвон қурилган. Бу асосий назорат пункти ҳисобланиб, ундан бутун шаҳар ва унинг атрофи яққол кўриниб турган. Айтишларига қараганда, Хива ҳукмдорлари илиқ кечаларда шу ерда дам олишни ёқтиришган. Оқ шайхбобо айвони, шунингдек назорат олиб бориш ва милтиқдори сақлаш учун ҳам хизмат қилган.

Кўринишхона биносини уста Вафойй қурган. Элтузархон, Муҳаммад Раҳимхон 1, Оллоқулихонлар вақтида Аркда янги иморатлар қурилган. Кўринишхона ва ёзги масжид айвонига Оллоқулихон вақтида чиройли ёзувли кошинлар ўрнатилган бўлиб, уларни машҳур усталар Абдулла-жин ва Ибодуллалар ишлашган. Сайид Муҳаммадхон томонидан 1859 йилда Нуруллабой боғида Янги кўринишхона қурилгандан кейин Ичан-Қалъадаги Арк “Кўхна Арк” номини олган.

Кўхна Аркнинг ҳозирги биноси 1804-1806 йилларда Элтузархоннинг амалдорларидан Юсуф Мехтар томонидан барпо этилган. Безак ишлари эса

Оллоқулихон (1825 - 1842) даврига тааллуқлидир. Эрон қўшинларининг XVIII аср ўртасидаги босқинчилик юришлари вақтида Арангхон қурдирган иморатлар ер билан яксон қилинган.

Кўхна Аркдаги айвон ва ёзги масжид Хива хони Оллоқулихон даврида янгидан қурилган. Айвондаги сиркор безаклар ҳам шу даврда ишланган. Кўринишхонанинг жанубий қисмидаги махсус хонада Хива хонинг тахтиравони жойлашган Хоннинг тахти ушбу жойда чўзиқ залнинг энг тўрида гумбаз остида турган, бу тахт ҳозир Москвадаги “Орунжейная палата”да сақланмоқда.

Шакли унча мураккаб бўлмаган бу тахт ёғочдан ишланган бўлиб, усти нақшкор кумуш билан қопланган. Кумуш устига ўймакор гулларни 1816 йилда Хивалик уста Муҳаммад бажарган. Кўхна Аркдаги зарбхона Муҳаммад Раҳимхон (1806-1825)даврида ташкил топган бўлиб, гумбазли учта хонадан иборат. Бу ерда ҳукмронлик қилаётган хоннинг муҳри босилган тилла, кумуш ва қорапул чақалар зарб этилган. Ҳарам Кўхна Аркнинг бутун шимолий қисмини эгаллаган. У кўринишхона ва ёзга масжиддан кейин Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1865-1910) даврида қурилган.

Кўхна Арк тўлалигича пишиқ ғиштдан қароргоҳ сифатида қурилган. Кўхна Арк каби мураккаб бир қанча бинолар мажмуидан иборат бўлиб, улар турли даврларда қурилган. Ёзги ва қишқи масжидлар, ҳамда зарбхона (танга пуллар ясайдиган устахона) яхлит бинолар сифатида бир вақтда қурилган. Масжиднинг ҳовлиси унча катта эмас. Атрофи гумбазли хоналар билан ўралган. Бу ерда олтин, кумуш, мис тангалар зарб қилинган. Ёзги масжиднинг кошин безаклари Хиванинг машҳур усталари Абдулла Жин ва Ибодулла ишлаганлар.



5-расм: Кўхна Аркнинг ёзги масжид айвонларидаги ёғоч устунлар, шифт ва девор безаклари ва меҳробнинг умумий кўриниши XIX аср.

Қишқи масжид кенг тўғри тўртбурчак шаклида қурилган бўлиб, артофига бошқа бинолар туташган. Унга жануб тамондаги кичик дарчалар орқали ёруғлик тушади. Масжидга эса ёзги масжид ёнидаги ҳовлидан кирилади. Тўртта устун оддий тўсинли шипни кўтариб туради. Деворларда ҳеч қандай безак йўқ. Фақат ўймакор қошли тўсинларнинг деворга ёндошган қисмида пилястрлар бор.

Кўхна Арк ҳарами - Муҳаммад Раҳимхон II даврида (1864 - 1910) қайта тикланган, ҳарамнинг чўзинчоқ ҳовлиси саройнинг шимолий қисмида жойлашган, ҳовли жануб томондан турар жой бўлмалари билан қуршаб олинган, уларнинг ҳар бирида хоннинг бир хотини турган, бўлма бир устунлик айвон ва бир хоналик уйдан иборат бўлган. Ҳарамдаги бир устунли айвонлар эса ихчамроқ, уй-жой архитектурасига хос содда ва хон қабулхонасидаги каби ҳашамдор эмас.

Хон турадиган уй булардан фақат ҳажм ва ишлови билангина фарқ қилган. Ҳовлининг шимолий қисмида чўри ва канизлар турадиган қаватли

уйлар саф тортган. Ҳозирги вақтда ҳарамда ғиштдан қурилган буржли хон айвонигина эътиборни жалб этади. Айвондаги устун Хиванинг нафис ўймакорлик услубида безатилган. Лекин, девор безакларида ранг-баранг сиркор кошнлар ўрнига яшил ғиштчалар капалак нусхада терилган, оддий ўймакор ганч бор. Хона ичидаги ўймакор ганч худди тахт турган хонадаги каби қизил, ложувард ва чшил ранглар билан бўялган.

Ҳарамни хоннинг жория ва чўрилари яшайдиган хоналари бошқа оддий хоналардан фарқ қилмайди. Ҳарамнинг шимолий қисми ҳам (1910 йилда пишиқ ғиштдан қайта қурилган), ҳовлининг бузилиб кетган жанубий-ҳарбий қисми ҳам худди шу йўсинда қурилган эди. Ҳарамнинг умумий кўриниши Тошҳовли саройига ўхшаган бўлиши керак эди. Лекин Муҳаммад Раҳимхон Феруз хазинасининг қурби етмаганлигидан бинонинг ҳашаматли безаклари бажарилмай қолиб кетган. Кўҳна Аркнинг шарқий деворида ёндош зиндон - жазога лойиқ кўрилган кишилар ташланадиган бандихона бор. Унинг яқинида эса катта майдон - ҳукм ижро этиладиган жой бўлиб, ўлимга ҳукм этилганларни хон жаллоди ўша ерда қатл этган.

1.3. Ичан-Қалъадаги масжидлар, мақбаралар, мадрасалар ва саройи меъморчилиги.

“Жума Масжид” ва “Шайх Кабир масжиди” тарихий меъморий ёдгорликлари

Тарихий манбаларда келтирилишича Хиванинг ўзида 360 масжид бўлганлиги ёзилади. Ҳар бир маҳалланинг ўз масжиди бўлганлигини ҳисобга олсак, ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. X-XVIII асрларда қурилган Жума Масжиди ва минораси Хиванинг Ичан-Қалъа музей кўриқхонаси ҳудудидаги асосий иккита Хон кўчасининг кесишган жойида, яъни кўриқхонанинг марказида жойлашган. Жума Масжид тарихий меъморий ёдгорлиги X асрда Ислом динининг пешволари ва амалдорлар томонидан тикланган ва асрлар давомида таъмирланиб келинган. Ҳозирги биз кўриб турган масжиднинг биноси ва минораси XVIII асрда бунёд этилган, уни хон амалдорларидан Абдурахмон Меҳтар томонидан қурилганлиги тарихий маълумотларда келтирилган. Бу ҳақда тарихчи - муаррих Мунис маълумот берган. Араб географи Макдисийнинг ҳам ёзма манбаларида бу масжид X асрдаёқ барпо этилганлиги тўғрисида маълумотлар берилган.

Жума Масжид кўп устунлик (гипостиль) иншоотдир. Унинг томи энлик текис тўсинлар билан ёпилган, саҳни ғоят кенг, шаҳарнинг жума намози ўқигани келган 1000 дан ортиқ намозхонларини бемалол ўз ичига сиғдира олган. Устунлар орасида Ҳиндистондан келтирилган ғўзапоядан тайёрланган устун ҳам мавжуд. Меҳробдан ўнгроқда мармар лавҳга масжиднинг даромади ва бу даромадлар ҳақидаги ёрлик вақфнома битилган. Жанубдаги кириш эшигига сана (1203 хижрий, 1788(89) милодий) ёзилган.

Жума Масжид кўп устунлик (гипостиль) иншоотдир. Унинг томи энлик текис тўсинлар билан ёпилган, саҳни ғоят кенг, шаҳарнинг жума намози ўқигани келган 1000 дан ортиқ намозхонларини бемалол ўз ичига сиғдира олган. Устунлар орасида Ҳиндистондан келтирилган ғўзапоядан тайёрланган устун ҳам мавжуд. Меҳробдан ўнгроқда мармар лавҳга масжиднинг даромади

ва бу даромадлар ҳақидаги ёрлиқ вақфнома битилган. Жанубдаги кириш эшигига сана (1203 хижрий, 1788(89) милодий) ёзилган.

Жума Масжид 1940-50 йилларда туманнинг пахта ва донини сақлаш учун омборхона вазифасини ўтаган, ноёб ёғоч устунлар шу даврда ўта зарарланган. 1947 йилдаги таъмирлаш ишларида мачитнинг том ости кисмининг конструкциялари асл ҳолидагидек, яъни қадимий килиб ишланмаган (А. Рахманов хулосаси). Кўпчилик ёғоч устунлар ўрнидан олинган-у, яна таъмирлаб ўрнига қўйилмаган, уларнинг бир қанчаси Тошкент шаҳрига музейга кўргазма учун олиб кетилган. 1997 йил 20-октябрда масжид биносида Хиванинг 2500 - йиллигига бағишланган халқаро анжуман (симпозиум) ўтказилди.



6-расм: Жума Масжиднинг кириш қисми, ички интерьерининг умумий кўриниши ва устунлар X аср.


Бу масжид – пештоқ ва гумбазсиз, ҳовли ва равоқсиз ўзига хос иншоот. Масжид тўғри бурчак тарҳли, бино атрофи ғишт девор билан ўралган, бўлиб ягона хонақоҳ ва айвондан иборат. Бундай режада қурилган масжидлар

кадимдан маълум, бироқ Жума Масжид тузилиши ҳамда беагига кўра ўзига хосдир. Масжид томида тешик –мўрилар(фонарлар) қолдирилган. Ундан хонага ёруғлик тушиб турган ва ҳаво алмашган. Жанубий деворида муқарнас нақшли меҳроб жойлашган. Ташқари деворига терилган ғиштлар кўриниб туради. Ички беаги оддий ганч билан сувалган. Жанубий шарқий деворларида равоқли токчалар қўйилган. Орадаги деворларига қора ва қизил рангда безак берилган. Марказий Осиё бадий безак санъатида тинчлик ва осийишталик ғоясини ифодаловчи гулсафсар, дарахт ва тўпгуллар ҳаққоний тасвирланган.

Масжид томининг умумий майдони 2530 квадрат метр. Устунлари турли даврларга оиддир. XI-XII асрларга оид устунларга нисбатан юзароқ, майда расмлар, араб ва форсий тиллардаги гулдор кўфий ёзувлари туширилган. Кўфий ёзувини тасвирловчи чуқур ўйма нақшлар X-XI асрларга оид устунларни беаган. Ёзувларда «бу жой Оллоҳнинг уйи» эканлиги таъкидланган.

Масжид минораси Хиванинг Ичан-Қалъа музей кўрикхонаси ҳудудидаги катта иккита Хон кўчасининг кесишган жойида бўлиб, шаҳардаги барча йўллар марказга – Жума Масжидга олиб боради ва ташқаридан келган сайёҳлар учун ҳам мўлжал вазифасини ўтайди.

Шайх Кабир масжиди - Ичан-Қалъанинг жанубий томонидаги, Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг деворига ёпишган ҳолда жойлашган. 1895 йилда тикланган Шайх Кабир масжиди - XX асргача кенгайиб борган Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг атрофидаги қабристон ҳудудида қурилган. Бу атрофда мавжуд бўлган қабристоннинг кўпчилик қисми текисланиб кетганлиги боис, Шайх Кабир номи билан машҳур бўлган масжиднинг гумбази атрофдан қаралганда жуда яхши кўриниб туради.



7-расм: Шайх кабр масжиди XIX аср.

Ушбу масжид қурилган пайтида фуқаролар намозларини адо этганлар, аммо бугунги кунда масжидни намоз ўқиш учун эмас, балки музей сифатида фойдаланилмоқда. Шайх Кабир масжиди Хива хонлигидаги машҳур ва энг узоқ хонлик қилган Муҳаммад Раҳимхон II ҳукмронлигида бунёд этилган. Албатта, масжидларнинг номланишида азиз-авлиёларнинг шахсига атаб, ёки уларнинг ўзларининг ҳомийлигида турли бино ва иншоотлар тиклаш ислом дунёсида шарафли иш бўлган. Шулар жумласидан бўлган, Шайх Кабир масжиди ҳам биронта авлиёсифат шайхнинг номига атаб қурилган бўлиши мумкин. 1982 йилда архитектор М. Кадиров ва С. Қобировлар масжид бўйича тадқиқот ишлари ўтказганлар.

***“Сайид Алоуддин мақбараси” ва “Паҳлавон Маҳмуд мақбараси”
тарихий меъморий ёдгорликлари XIVаср.***

Қадимий Хоразмшоҳлар давридаги тарихий сиймоларга дахлдор бўлган бу икки буюк шахс - Сайид Алоуддин ва Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари замондош бўлиб яшаганлар.

Шайх Сайид Алоуддин тўғрисида қадимдан халқ оғзидан – оғзига ўтиб келаётган ривоятлар жуда ҳам кўп, жумладан “Хиванинг пири”- деб тан олинган буюк авлиё инсон Паҳлавон Маҳмудга ҳам шайх Сайид Алоуддин устозлик қилган эканлар. Шунинг учун ҳам Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари: - “Кимки мени зиёрат қилмоқчи бўлса олдин устозим Сайид Алоуддин қабрларини зиёрат қилиб, сўнгра мени қабримни зиёрат қилсин, шундагина ҳар бир кишининг қилган зиёратлари оллоҳ олдида қабул бўлади”, деб васият қилган эканлар.

Сайид Алоуддин мақбараси Хиванинг Ичан-Қалъа мажмуасида қурилган энг қадимий меъморий иншоотдир. Мақбара XIV аср бошида қурилган, XVIII асрда эса Хива хони Оллақулихон томонидан қайта таъмирланган. Ушбу мақбара 702 ҳижрий (1303 милодий) йилда вафот этган буюк шайх Сайид Алоуддинга атаб қурилган. Шайх на фақат дин ва ҳадис илми бўйича мукаммал билим эгаси бўлган, балки у киши моҳир меъмор ва кошинпазлик бўйича етук мутахассис бўлган. Бунинг исботи ўлароқ айтиш мумкинки, буюк саркарда Амир Темурнинг отаси Амир Тарғайнинг ҳам пири-устози бўлган Амир Кулол ҳам шайх Сайид Алоуддиннинг шогирди бўлган ва у кишидан кулолчилик сир-асрорларини ҳам ўрганлар. Сайид Алоуддин шогирди Амир Кулолни шу қадар яхши кўрганки, ҳатто у киши ҳаётлигида шогирди иккаласи учун “охират уйи”, яъни мақбара қурдирган ва шогирдига айтганки, - кимки мени зиёрат қилса, сизни ҳам зиёрат қилади, деганлар. Шунинг учун ҳам мақбара ичида даҳмалар сони иккита бўлиб қурилган. Аммо, Амир Кулол устозининг ўлиmidан сўнгра даҳмалар устига ҳозир биз кўриб турган мақбара гумбазини қурган ва ўз юртига қайтиб кетган.


Ҳозирда бу мақбарада фақатгина шайх Сайид Алоуддиннинг хоки қўйилган бўлиб, сағаналардан биттаси бўш. Сайид Алоуддиннинг вафот қилган санаси мақбара ичидаги кошинларга араб имлосида битилган бўлиб, “Ҳижрий 702, мелодий 18 март 1303 йил” деб кўрсатилган.



8-расм: Сайид Алоуддин меъморий ёдгорлиги ва кошинкор даҳма XIV аср.

Мақбарага XIV асрнинг биринчи ярмида эшиги қарама - қарши томонга қаратиб қурилган зиёратхона қўшилган. Бу хоналарнинг архитектураси турли даврларни акс эттиради: Қадимий нусхадаги боғлам - боғлам паруслар тизмаси, пастак қилиб қурилган кубба, зиёратхонада эса, пештоқ паруслар узра савлат тўкиб турган гумбазли интерьер кўзга ташланади.

Хиванинг Ичан-Қалъа мажмуасидаги муҳташам зарҳал куббаси порлаб турган **Паҳлавон Маҳмуд мақбараси** дунё сайёҳларини ва барча ихлосмандларни ўзига жалб қилиб келмоқда. Комил инсон Паҳлавон Маҳмуднинг вафотидан кейин (1322-1325 йй), у кишининг васиятларига кўра ўзи яшаган ва ишлаган жойига дафн қилинганлар ва қабрлари устига мақбара қурилган.



9-расм: Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг фасади ва мажмуанинг плани XIV аср.

1810 йилда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I нинг Қўнғиротга муваффақиятли ҳарбий юришидан сўнг мақбарага ёндош қилиб Хиваликларнинг пири ҳисобланган—Паҳлавон Маҳмуднинг оёқ томонида қўнғиротликлар сулоласига мансуб аслзодалар учун улкан гумбазли хонақо, мачит, зиёратхона ва ошхона қурилди.

Паҳлавон Маҳмуд мажмуасининг барча қурилиш элементаларига шундай безак берилганки, буюк саркарда Амир Темури замонасида бунёд этилган бинолардан кейин бундай серҳашам безак беришга ҳеч ким журъат этмаган. Мақбаранинг ва хонақонинг деворларига Хивалик усталардан мулла Нурмуҳаммад уста Қаландар ўғли, сўфи Муҳаммад Ниёз уста Абдуҷаббор ўғли ва уста Абдулла-жинлар ранг-баранг нақшли безаклар яратиб, қадимги Хоразм рангли кулолчилигининг энг яхши намуналарини ижод қилганлар.

Хива хони Оллақулихон 1825 йилда Паҳлавон Маҳмуд мажмуасида хоки қўйилган отаси Муҳаммад Раҳимхон I қабрини ва унинг атрофини таъмирлаш ишларини бажаришни бошлаганида отаси тушига кирган: - “Олдин Султон Увайс қабрини обод қилгин, сўнгра эса мени қабримни таъмирла” деган экан. Шунинг учун Оллақулихон олдин Султон Увайс мақбарасини сўнгра Паҳлавон Маҳмуд мажмуасини катта маблағлар ишлатиб қайта таъмирлатган ва инсон лол қоладиган безаклар билан ишлатган. “Меъмор хон” деб тан олинган Оллақулихон 49 ёшида юрак хуружидан оламдан ўтгандан кейин отага ҳурмат юзасидан, отаси Муҳаммад Раҳимхоннинг оёқ томонидаги даҳлизда оддийгина ўзи учун қурдирган сағанага унинг хоки қўйилган.




10-расм: Оллақулихон қабри.

Яна шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, мақбаранинг хоналари дастлабки қурилган пайтида сиркор безаклар билан безатилмаган фақатгина Муҳаммад Раҳимхон I даврида Паҳлавон Маҳмуд сағанаси ва пештоқ сирланган кошин билан безатилган. Паҳлавон Маҳмуд зиёратхонасининг эшиги ўймакор бўлиб, ёғоч пилакчалардан тузилган ва фил суяги қадаб гуллар ясалган. Бу эшик 1810 йилда, мақбара қурилишининг биринчи даврида

Хивалик ёғоч ўймакор усталар томонидан қилинган. Қабрхона эшиклари ҳам жимжимадор ишланган бўлиб, қимматбаҳо дарахтдан ясалган.

“Оқ Масжид” ва “Саид Ота масжиди” тарихий меъморий ёдгорликлари

Оқ Масжид ёдгорлиги - Ичан-Қалъанинг шарқий қисмидаги Абдуллахон мадрасасининг Бош фасад қисми олдида жойлашган. Ушбу меъморий обида XIX аср ўрталарида, аниқроғи 1838-1842 йилларда қурилган.



11-расм: Оқ Масжид ёдгорлиги XIX аср.

Мазкур бинонинг ёғоч ўймакори эшикларнинг ёзувларидан меъмор-усталардан Одина Қаландар ўғли Нурмуҳаммад ва Сайидмуҳаммад ўғли Қаландарлар бинони ва нақшиндор учта эшик беагида ўз маҳоратларини намойиш этганликларини билиб олиш мумкин.

Хивада қадимдан то шу бугунги кунгача маҳалла, гузар масжидлари бунёд этилган ва бу масжидларда маҳаллада яшовчи фуқаролар жума

намозларини адо этиб келмоқдалар. Оқ Масжид ҳам қурилганидан буён Ичан – Қалъада ўзининг кўркамлиги билан алоҳида ажралиб турибди.

Оқ Масжиднинг ясси томи устидан баланд кўтарилган гумбаз квадрат асоси билан биргаликда узоқдан зинапоясимон ўлиб кўринади. Эшикларнинг ислимий нақшлари ва жимжимаси бир хил услубда ишланган. Масжиднинг режаси бўйича қулай жойлашганлиги меҳробни жанубий деворга, яъни қибла томонга жойлаштириш имконини берган. Бу эса кишки хонада ва айвонда барабар намоз ўқиш имконини беради. Усталар масжидни қурганларида ва безак берганларида содда услубда қуриб, содда безаклар бериш билан чекланганлар. Ёғоч устунларда ўйма нақшлар деярли йўқ, фақат устун тепасига нақшлар берилган.


Инсон қўли билан яратилган бу ажойиб мўъжизакор обидаларга бугунги кунда экологиянинг салбий таъсирлари катта зарар етказмоқда. Оқ масжидининг ёғоч конструкцияларини ҳам Хивадаги бошқа кўпчилик тарихий меъморий ёдгорликлардагидек биологик салбий таъсир ҳисобланган - термит қисман зарарлаган. Оқ Масжиднинг ғарбий қисмидаги гумбаз деворининг тепасида ёриқлар пайдо бўлган.

Саид Ота (Ёр Муҳаммад Девонбеги) масжиди - Ичан-Қалъанинг ғарбий қисмидаги Муҳаммад Аминхон мадрасасига туташган пахса девор яқинида, “Арқончи” меҳмонхонаси ёнида жойлашган. Масжид иккита кишининг исми билан номланишининг биринчи асоси – масжид Сайид Алоуддин мақбараси ёнида жойлашганлигидан, шу улуғ инсоннинг хотираси учун “Саид ота” ва Хива хонлигининг уламоларидан бўлган Ёр Муҳаммад Девонбеги ҳомийлигида қурилганлиги боис эса бу масжидни “Ёр муҳаммад Девон масжиди” деб ҳам номланган.

Саид ота (Ёр Муҳаммад Девонбеги) масжиди XVIII асрда қурилган бўлиб, мана салкам 300 йилдан буён Ичан – Қалъа маҳалласида ўзининг кўркамлиги билан алоҳида ажралиб турибди. Масжид Ичан-Қалъадаги Жума Масжид, Оқ Масжид ва Боғбонли масжидлари каби қадимийдир, унинг

меъморий қурилишида ҳар хил конструкциялар ишлатилган бўлиб, айниқса қурилмаларга тарихий ёзувларни битилганлиги, бу масжиднинг ҳозирги даврда ҳам қадрини янада оширади ва уни энг ноёб ёдгорлик сифатида асраб авайлашимизга масъулият юклайди.

Хивада маҳалла масжидлари жоме масжидларидан қурилиш майдонининг ҳажми бўйича кичикроқ бўлиб қурилган, аммо жимжимадор безаклари билан улардан қолишмайди. Саид ота (Ёр Муҳаммад Девонбеги) масжидининг айвони ичкарасидаги Хива ёғоч ўймакорлиги мактабининг қадимий анъаналарини намойиш қилувчи чиройли ислимий нақшлар билан ишланган эшиги ҳар бир кўрган кишининг диққатини ўзига тортади.



12-расм: Саид ота (Ёр Муҳаммад Девонбеги) масжиди ва плани XIX аср.

Саид ота (Ёр Муҳаммад Девонбеги) масжидининг архитектуравий қурилиш услуби Хивадаги бошқа бир гумбазли масжидларникидан фарқ қилади. Масжиднинг қурилиш режаси бўйича хоналар жойлашган майдонини таҳлил қилганимизда, шу нарса аниқландики - катта гумбазли хонаси олдинроқ қурилган бўлиш эҳтимоли бор, чунки олдида қурилган айвон хона билан бир ўқда ётмасдан носимметрик равишда жойлашган. Масжид режаси бўйича тўрт бурчак шаклида.

Масжиднинг очик айвон томонидаги фасади ўртасида жойлашган сталактидасимон капителли ёғоч устуни Ичан-Қалъада жойлашган Оқ Масжиднинг устунига ўхшаб кетади. Масжиднинг ушбу фасад томонидан кўриниб турибдики, айвон деворлари кучли оҳакланган бўлиб, ўша даврда айвонга фақатгина иккита декоратив элемент ишланган ва улар ҳозирда ҳам сақланган бўлиб, буларнинг биттаси - капителли ёғоч устун ва иккинчиси - усти сирланган кошин плиткалар билан ишланган масжид меҳробидир.

Масжид меҳробининг кошин плиткалари ўрнатилган қисми, худди улар бир жойдан кўпориб олинган пайтда баъзи жойлари майда-майда бўлакларга бўлингандек кўринади. Масжид айвони кейинроқ қурилганлигини ҳисобга олсак, ушбу меҳроб олдин масжиднинг ичкари жанубий қисмида бўлган ва уни айвон қурилгандан кейин ҳозирги биз кўрган қисмига ўрнатган бўлишлари мумкин. Меҳроб кошинларининг ранги асосан оқ ва кўк рангларда ишланган бўлиб, унинг нақшлари Хоразм миллий услубида гул солиб ишланган. Ҳозирда айвон деворлари оҳакланганлиги боис, меҳроб кошинларининг устига ҳам оҳак сепилган.

Масжид деворларининг қурилиш услубини таҳлил қилиш асосида шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, ташқаридан қараганда сезиларли қилинмасдан, девор ғишт қурилмаларини бир-бирининг устига ўтказиб бориш йўли билан – бинонинг пастки қисмидан гумбазигача пишган ғишдан поғонасимон қилиб териб борилган яхлит девор конструкцияси қадимдаги уста-меъморлар билим ва маҳоратини юксак баҳолайди.

***“Арабхон мадрасаси”, “Шерғозихон мадрасаси” ва “Хўжамбердибей
мадрасаси” тарихий меъморий ёдгорликлари***

Араб Муҳаммадхон (Арабхон) мадрасаси - 1616 йилда қурилган. Ушбу мадраса Хива хонлигидаги биринчи қурилган мадрасадир. Биз кўриб

турган ҳозирги мадраса қурилишидан олдин, унинг ўрнида Хивада бир вақтлар яшаб ўтган машҳур ва таниқли аёл (бу аёлнинг номи ва ҳаётига оид бўлган маълумотлар ҳозиргача манбаларда учрамаган, фақат мадраса қурилишига оғиздан-оғизга ўтиб келган) томонидан ниғирикдан қурилган мўъжазгина мадраса бўлган. Хива хони Араб Муҳаммадхон бу мадрасани, Хива шаҳри хонлигининг пойтахти деб эълон қилинганидан кейин, ўша таниқли аёлдан ери ва мадрасасини сотиб олган ва янгидан пишиқ ғиштан бир қаватли мадрасани қурдирган.

Мадраса - Ичан -Қалъанинг шимолий-шарқий қисмида, жанубий – шарқ томондан Муҳаммад Амин иноқ ва шимолий томондан Дўст Аълам, Юсуф Ясовулбоши мадрасаларига яқин жойлашган. Мадраса айвонининг ўйма ёғоч устунлари, капителлари Тошҳовли Саройига ўрнатилган. Уч юз йилдан сўнг Арабхон мадрасаси қайта тикланган. Ҳозирги кунда у бир ҳовлили, икки қаватли симметрик мўъжазгина меъморий иншоотдир.

1838 йилда Оллақулихон мазкур мадрасанинг асосини таъмир қилдирган ва иккинчи қаватини қурдирган. Ҳозирги кунда бу мадрасада Ичан - Қалъа музей қўриқхонасининг хазинаси (фонди) жойлашган. Хивада бунёд этилган мадрасалар қурилиш даврларини таҳлил қилиб қараганда, бу меъморий ёдгорлик Хоразм миллий меъморчилигида мадрасалар қуришни бошлашда ва барча шарт-шароитларни ҳисобга оладиган услубни ишлаб чиқишда - “Хива мадрасалар қурилиш услуби”ни бошлаб берган бўлса ажаб эмас.



13-расм: Арабхон мадрасаси XVII аср.

Мадрасага кириш қисмининг ўнг томонида қишки масжид ва чап тарафда талабаларнинг дарсхонаси жойлаштирилган. Мадрасанинг ички ҳовлиси ўн иккита ҳужрадан иборат ва бу ерда ёзги масжид ҳам мавжуд, шимолий-ғарбий бурчагида қишки мачит жойлашган. Мадраса ҳовлиси квадрат шаклида бўлиб, иккита очиқ айвони бор. Ҳовли атрофида гир айлана шаклида талабларни яшаши учун мўлжаллаб қурилган ҳужралар жойлашган. Мадраса ҳужраларнинг томини ёпишда меъморчиликнинг балхи услубидан фойдаланилган. Бош тарзи оддий, пештоқли. Бадий безаклар ишланмаган бўлиб, ён тарзлари текис деворли. Мадрасанинг бурчакларига минора – гулдасталар қурилган. Ушбу минора-гулдасталарнинг тепасига чиройли кафасалар ишланган. Ҳовлининг шимолий қисмида жойлашган ёзги масжид ҳамда мадрасанинг қишки масжиди сфериксимон гумбазлар билан ёпилган.

Шерғозихон мадрасаси – Ичан-Қалъанинг жанубий қисмида Паҳлавон Маҳмуд мажмуаси олдида жойлашган. Иншоотнинг қачон қуриб битказилганлиги ҳақида муаррих Муниснинг асарларида қайд этилган 1710 - 1726 йиллар қайд этилган. Мадрасани Хива хони Шерғозихоннинг Хуросонга қилган юриши (1718 й) чоғида асир олиб келинган қуллар тиклаган. Шерғозихон мадраса битгач, қулларни озод қилишни ваъда берган, лекин ҳар хил йўллар билан қурилиш тугабини чўзган. Бундан ғазабланган қуллар Шерғозихонни битмаган мадраса ичида ўлдиришади. Бу тарихий воқеа ҳақида хонликнинг машҳур тарихчиси Мунис мадраса қурилишига атаб таарих ёзган ва унда ёзилишича – “Маскани Фозилон”, яъни “Фозиллар уйи” иборасининг санасидан 1719 йилда мадраса қурилганлигини ва “Дод аз ғуломон”, яъни “Қуллар дастидан дод” иборасининг санасидан эса 1726 йилда тарих битилганини билиб оламиз. Мадрасада буюк туркман шоири Маҳтумқули, Қорақалпоқ шоири Ажиниёз Кўсибой ўғли таълим олганлар, бугунги кунда уларнинг ёрқин хотирасига бағишлаб музей экспозициялари ишланган.



14-рasm: Шерғозихон мадрасаси XVIII аср.

Шерғозихоннинг жасади ўзи қурдирган мадрасанинг ғарбий қисмидаги махсус қорихонага дафн этилган. Хоннинг мақбараси ёдгорликнинг бош фасадига туташ қилиб қурилган. Мадрасада ёзилган мармар лавҳларда ушбу мадрасани қурдирган хонни - “хуршиди жаҳон”, “шери худо” деган юксак унвонлар билан мақтаб мақтовлар битилган.

Мадрасанинг ҳозирги биз кўриб турган бош пештоқ қисми қайта тикланган, асл пештоқининг бир қисми эса табиий офатлар ва қирғинбарот урушлар таъсирида қулаб тушган. Мадраса ҳужраларининг кўпчилиги асосий фасаднинг орқа томонида қурилган. Мадраса режасига асосан – мадрасада алоҳида ёзги ва қишки мачит, дарсхона, кутубхона ва талабалар учун мослаб қурилган ҳужралар мавжуд.

Хўжамбердибей мадрасаси - Қутлуғ Мурод-инок мадрасаси бош фасадининг олд қисмида жойлашган. Мадраса ёнидан Полвон Дарвоза томонга йўл ўтади. Мадрасанинг кираверишдаги катта пештоқ эшигидаги ёзувга мувофиқ, мадраса 1688 йилда қурилган бўлиб, 1834 - 1835 йилларда қурилган Оллақулихон мадрасаси билан биргаликда архитектуравий фасади “хуржунга”га ўхшаб қолганлиги учун бу мадрасани “Хўрджум” мадрасаси деб ҳам юритилади. Бунгача бу ерда Ичан - Қалъа деворлари қад кўтариб турган, Хўжамбердибей мадрасаси ва растаси катта ҳудудни эгаллаган, ўша даврларда Хивадаги энг йирик мадраса бўлган.

Даврлар ва вақт ўтиши билан мадраса ёнидаги қалъа деворининг бузилганлигидан Хўжамбердибей мадрасасининг ярмидан кўп қисмининг пойдевори ва замини устига Оллақулихон мадрасаси қурилган. Ҳозирда бу иккита мадраса архитектуравий - лойиҳавий ечими бўйича ўзига хос композицияни ташкил қилади. Бугунги кунда ушбу мадраса хоналари ва айвонларидан кенг кўламда сайёҳлар учун хизмат кўрсатиш ишлари йўлга қўйилган.

Хўжамбердибей мадрасаси ҳозирги пайтда икки бўлакка бўлинган бўлиб, ҳар иккала қисмида ҳам ички ҳовлилар мавжуд. Мадрасага киришдан ўнг томонда мачит жойлашган ва унинг атрофида жойлашган кичик хужралар ўша даврда қорихоналар вазифасини ўтаган. Мадрасанинг чап томонида ҳам учта хужра жойлашган.




15-расм: Хўжамбердибей мадрасаси XVII аср.

Балхи туридаги гумбазлар билан ёпилган хужралар, дарсхона ва масжид сфериксимон елкан устидаги гумбазлар билан ёпилган. Фасадлар ғиштдан ишланган, деворлар лой билан сувалган. Мадрасанинг амалий безак деталларидан ўйма нақш солинган нақшиндор ёғоч эшиклари ва эшик устига ўрнатилган мармар лавҳ ёзувлар диққатга сазовордир.

Ичан-Қалъада жойлашган “Оллоқулихон Карвон Саройи ва Тими” меъморий ёдгорликлари.

Ичан-Қалъанинг шарқий қисмида олд фасади Тош Ҳовли мажмуасига қараган ҳолда ва жанубий томонидан Оллоқулихон мадрасаси билан туташган ҳолда жойлашган. Энг қадимий даврларда Шарқ шаҳарлари обрўсини ва нуфузини карвонсаройлар, тимлар - усти ёпиқ савдо йўлаклари белгилаган. Узоқ - узоқлардан келган савдогарлар карвонсаройларда бир неча кунлаб яшашган, молларини бозорга чиқаришган ва шу манзилда уларнинг ўзаро алоқалари мустаҳкамланган. Тимларда эса ёзнинг жазирама иссиғида, кишу баҳорнинг совуғи, қор - ёмғирида бемалол ҳимояланган ҳолда савдо қилиш мумкин бўлган.



16-расм: Оллоқулихон Карвон Саройи кириш дарвозаси XIX аср.

Ўрта Осиё шаҳарларидаги карвонсаройлар ҳақидаги илк маълумотни араб сайёҳи Наршахий (X аср) ўз солномаларида тўла қайд этади. Хивага олиб кирадиган Полвон Дарвоза олдида савдо қадимдан ривожланган. Бу ерда озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган кичик-кичик дўконлар бўлган. Шу боис ҳам дарвоза яқинида Хива хони Оллақулихон ҳомийлигида Карвон Сарой қурилган. Оллақулихон Карвон Саройи 1832 - 1835 йилларда Тошховли саройининг рўпарасида Ичан - Қалъанинг йиқилган деворининг орқа томонида қад кўтарган. У халқаро савдо алоқаларининг ривожланиши туфайли бунёдга келган.

Оллақулихон Карвон Саройи ва Тими – кўҳна Хоразмда сақланиб қолган ягона карвонсаройдир. Ўша даврда бу ерда Хитой, Россия, Англия давлатларида ва Бухоро амирлигидан келтирилган молларни сотиб олиш мумкин бўлган. Савдогарлар карвонсаройда бемалол тўхтаб, юкларни омборларда сақлаганлар, ёнгинасидаги тимларда савдо қилганлар.

Карвон Саройнинг жанубга қараган асосий томонига туташтириб Оллақулихон томонидан Тим ҳам бунёд этилди. Ҳозирда карвонсарой ва тим яхлит мажмуа сифатида кўзга ташланади. Усти берк бозор, яъни тим кўп гумбазли бўлиб, узунасига ғарбдан-шарққа қараб йўналган. Марказида эса катта гумбазли хона бўлиб, ундан Карвон Саройга ўтиш мўлжаллаб қурилган. Савдо-сотик ишлари ён томондаги расталарда олиб борилган.


Карвон саройнинг иккала дарвозаси ҳам - ғарбий ва шарқий дарвозалари четдан келтирилган юкларни бемалол карвонсаройга кириб чиқишини таъминлаб турган. Карвонсаройнинг ўртасидаги жанубга қаратиб солинган дарвоза орқали савдо марказига – савдо уйига кирилган. Савдо уйи икки қават қилиб қурилган бўлиб, 104 та хужрадан иборат. Биринчи қавати савдогарлар учун савдо растаси вазифасини ўтаган, юқори қавати эса – меҳмонхона ҳисобланган.

Карвонсаройдаги савдодан тушган даромад улушининг бир қисmini хон буйруғига асосан Оллақулихон мадрасасида жойлашган шаҳар кутубхонасига

ва мадрасада таҳсил олаётган талабаларнинг эҳтиёжлари учун сарф этилган. Шундай қилиб, Хива карвонсаройи шу тоифадаги биноларнинг энг қадимги типини ўзида мужассамлаштирган.

Ушбу карвон саройдан ва уни ёнидаги тимдан ҳозирда ҳам Хива фуқаролари савдо-сотиқ ишларида фойдаланиб келмоқдалар.

Оллоқулихон Тими эса карвонсаройнинг асосий фасадига ёндош қилиб қурилган. Фасаднинг қисмларга бўлиниши газмол ва тикувчилик буюмлари учун ихтисослаштирилган савдо растаси - Тим композициясини юзага келтирган.



17-расм: Оллоқулихон Карвон Саройи

Оллоқулихон Тими эса карвонсаройнинг асосий фасадига ёндош қилиб қурилган. Фасаднинг қисмларга бўлиниши газмол ва тикувчилик буюмлари

учун ихтисослаштирилган савдо растаси - Тим композициясини юзага келтирган.

Оллоқулихон карвонсаройидаги хужраларнинг том ёпмаси бир қатламлик аркасимон ясси гумбаз билан ёпилган. Жимжимадор ишланган ёғоч устунлар мрамар тагкурсиларга ўрнатилган, баъзи девор қисмларида нам ўтказмаслик мақсадида цоколь қисмларида ҳам мрамар ётқизиқлар ишлатилган. Хоналарнинг пол қисмлари асосан мусулмон пишган ғиштдан териб чиқилган.

Карвонсарой деворларининг чекка қисмларида мадрасаларникидан фарқли ўлароқ гулдаста-миноралар ўрнатилган, уларнинг диаметри каттароқ бўлиб, иншоотнинг фақатгина ғарбий томонидаги деворга ва ғарбий дарвоза пештоқининг 2 чеккасига қурилган. Оллоқулихон Карвон Саройи ва Тимининг бош фасад қисмига ўрнатилган ёғоч жимжимадор нақшлар билан безатилган дарвозалар жойлашган олд қисмининг тепаси ўртача ўлчамдаги пештоқ ва аркасимон пилястр билан конструкциялар бир-бирини мустаҳкамлаб турадиган қилиб қурилган. Дарвозанинг икки ён томонига кўча тарафда ҳам савдо қилиш учун мўлжалланган кичик-кичик очик хужралар жойлаштирилган.

Оллоқулихон Тимини қуриш жараёнида Хивалик уста меъморлар бор билим ва маҳоратини кўрсатиб ишлаган десак муболаға бўлмайди. Тимнинг карвонсаройга ўтадиган қисмидаги катта гумбазининг пастки қисмлари уч қават парус-аркалар ишланган, қурувчилар устамонлик билан ғишт теришган. Ушбу паруслар бир-бирининг устига сезилмайдиган ҳолда ўтказилиб гумбаз қисмигача чиройли қилиб териб борилган.

1.4. Хива миноралар меъморчилиги.

Қадимий Хива шаҳри осмонўпар миноралари билан машҳурдир. Миноралар, маълумки, ислом дини юртимизга тарқалиши билан боғлиқ равишда қурилгандир. Ҳар бир катта ёки кичик масжид ёнида албатта минора қурилиб, ундан сўфи беш вақт азон айтиб, мусулмонларни намозга чорлаган.



18-расм: Жума масжиди ва минораси XVIII аср.

Вақт ўтиши билан бу иншоотлар бошқа мақсадлар учун ҳам қурила бошлаган. Минора тепасидан ўлимга ҳукм қилинган жиноятчилар, бузуқ аёллар ташлаб ўлдирилган. Хивада ҳам шу мақсадни ўтовчи миноралар

бўлган. Миноралар шарқона усулда қурилган нилий гумбазли обидаларни янада улуғвор, ҳашаматли кўрсатадиган архитектура ёдгорликлари ҳамдир. Шарқ шаҳарларидаги кўхна обидаларни минораларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлигича, XX аср бошларида Хивадаги ҳар бир масжид ва мадраса яқинида минора бўлган. Изланишлар уларнинг ўша пайтда саксонга яқин бўлганлигини кўрсатади. Ҳозирда эса атиги ўн тўртта минора сақланиб қолган. Бу миноралар турли даврларда, турлича услуб ва кўринишларда бунёд этилган. Бalandликлари ҳам ҳар хил. Уларнинг энг қадимийси Жума масжиди минораси бўлиб, у X асрларда қурилган ва 1788 йилда қайта тикланган.

Жума Масжид минораси - Хивадаги энг қадимий минорадир, масжид X асрга оид ёдгорлик бўлганлиги боис, олдинги бузилиб кетган минора ўрнида қурилган. Минора хон амалдори Абдурахмон Мехтар томонидан XVII асрда вайрон бўлган минорага ўхшатиб, XVIII асрда қайта барпо этилган Жума масжиди қурилиши пайтида қад кўтарган.

Минора мачитнинг Бош шимолий фасадида жойлашган ва тепа қисмига қараб 7 та жойидан яшил кошин белбоғчалар билан безатилган, ҳамда фонар қисмида 4 та ёритувчи дарчалар қўйилган бўлиб, 3 қатор оддий сталактида (муқарнас)лар билан якунланган.

Калта Минор - Муҳаммад Аминхон мадрасасининг олд фасад қисмида жойлашган. Хива муаррихи Муниснинг маълумотига қараганда, минора 1855 йилда Муҳаммад Аминхон томонидан қурила бошланган. 1855 йилда Шимолий Эронга юриш пайтида хоннинг ўлдирилиши ва Абдуллахоннинг тахтга ўтириши билан қурилиш ишлари тўхтаб қолган ва иншоот ниҳоясига етмаган.



19-расм: Калта минора XIX аср.

Режага кўра, минора бутун мусулмон Шарқидаги энг мухташам иншоот бўлиб қолиши керак эди.

Минора усталар томонидан шундай қурилганки, қуёш нурлари таъсирида ҳам минорадаги кошнларнинг ранги ўзгармайди. Чунки, қуёш

нури ҳар қандай жисмни рангини ўзгартиради. Бундай ҳолат минорада сезилмайди. Мана қанча вақт ўтган бўлса ҳам худди янги қурилгандай сақланиб турибди. Минорага ёғоч зинапоя орқали чиқилади. Миноранинг тепасида кошинга Огаҳийнинг форсий тилда битилган ёзувлари бор. Унинг матни қуйидагича: “Инсон кўнглини хурсанд қиладиган минораи олий бунёд этилди. Унинг монандини ҳали фалак кўзи кўрмаган эди. Шони оламнинг амирлари билан бўлди. У томони айб ва нуқсонлардан пок. Агар одил кўз билан қаралса савр дарахти худди хашакка ўхшаб қолади. Тубо дарахтидан ҳам дил очадиганроқ бўлди. Унинг чиройли кўриниши ер юзини ва осмонни худди жаннатга ўхшатиб юборди. Осмоннинг гардунига бир устун эдики, унинг васфига ақл-идрок камлик қиладди. Шу сабабдин Огаҳий унинг қурилиш йилини ёзди. Интиҳоси йўқ фалак устуни 1271-ҳижрий, 1855 милодий йилда қурилди”.

Калта Минор ҳақидаги ривоятларда айтилишича, - Хива хони шаҳарда жуда улкан ва баланд минора қуришни жуда моҳир устага буюрган. Унинг тепасидан “Бухоройи азим кўриниб турсин” деб кўрсатма берган. Бундан хабар топган Бухоро амири минорани бунёд этаётган меъмор билан яширин режа тузадики, унга кўра минора битиши билан меъмор Бухорода бундан ҳам юксак минора қуриши керак эди. Амир бунинг эвазига ҳаддан зиёд тилло ваъда қиладди. Хон буни сезиб қолиб, минора битиши биланёқ устани ўлдиришга аҳд қиладди. Шу ниятдан огоҳ топган уста минорани чала қолдириб ғойиб бўлган. Шу боис халқ бу ҳақда “Мадаминхон мадрасаси битди, минораси битмади, Мадаминхон муродига етмади” деб байт тўқишган.



20-расм: Тўра Мурод минораси XIX аср.

Тўра Мурод Тўра минораси - Ичан-Қалъа музей кўриқхонасининг марказига яқин Кўҳна Арк майдонининг шимол томонида, аҳоли яшайдиган уйлар қуршаб олган ҳолда жойлашган Тўра Мурод Тўра минорасининг баландлиги - 9,0 м; диаметри – 3,2 м; Ушбу минора эндиликда ном – нишони қолмаган шу номдаги маҳалла масжиди қошида 1888 йилда қурилган. Масжид ва минора Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг иниси - Тўра Мурод Тўра

томонидан унинг маблағига, яъни хон авлодидан бўлган тўранинг ҳомийлигида қурилган.

У Муҳаммад Раҳимхон Феруз мадрасасининг шимоли - ғарбий бурчаги олдида жойлашган. Минора пардозланган пишиқ ғишдан қурилган бўлиб, у рангли кошин – кўк бантиklar билан безатилган.

Тарихий, меъморий ёдгорликларнинг қурилишида уларнинг режа бўйича жойлашувида албатта уста-меъморлар геометрик пропорция ва симметриясининг бинолар зилзилабардошлигида тутган ўрнини яхши билганлар. Шунинг учун ҳам айнан минораларни тиклашда, уларни вертикал ўққа нисбатан симметрик жойлаштиришга ҳаракат қилишган.

Тўра Мурод Тўра минорасининг ҳам геометрик пропорция ва симметрияси ана шу қонун – қоидаларга асосланиб тикланганлиги боис, асрлар давомида ўз мустаҳкамлигини йўқотмасдан бизгача етиб келган. Тўра Мурод Тўра минораси тўла пишган ғишдан тикланган ва тўртбурчак шаклидаги мусулмон ғиштининг ўлчамлари - 26,0 x 26,0 x 4,5 см. Минора конструктив нуқтаи назардан қараганимизда конуссимон шаклда қурилган.

Ислон Хўжа минораси -Хиванинг сўнгги хонларидан бири Исфандиёр Хоннинг Бош вазири, буюк ислохотчи Вазири Акбар Ислон Хўжа томонидан 1910 йилда тикланган бўлиб, Ичан Қалъага зеб бериб турибди. Бу Хивадаги энг баланд минора саналади. Минора танаси юқорига томон кескин нозиклашиб кетганидан у янада баландроқ кўринади. Нақшиндор сирли сополлардан ишланган кўндаланг белбоғлар бу кескинликни яна ҳам кучайтириб туради. 1924 йилда минорага радио антенна ўрнатилган. Ўлчамлари: пойдеворининг диаметри - 9,5 м, баландлиги ~ 50,5 м. Ислон Хўжа минораси Ўрта Осиёдаги энг баланд минора ҳисобланади, минорага 120 та зинапоя билан юқорига кўтарилаш мумкин. Минора Ислон Хўжа мадрасаси билан бир вақтда қурилган. Минорадан асосан азон айтиб, мусулмонларни

намоз ўқишга таклиф қилинган бўлсада, меъморчилик нуқтаи назаридан Ичан-Қалъани бу минорасиз тасаввур қилиб бўлмайди.




21-расм: Исломхўжа минораси XX аср.

Минора Ичан-Қалъанинг жанубий қисмида, яъни Паҳлавон Маҳмуд мақбараси яқинида бунёд этилган. Минорани барпо этишда қатнашган, унинг безакларини ишлаб чиққан, қоплама нақшлар ижод этиб, уларни қизғиш-сарикғишлар билан бир текисда териб чиққан Худойберганхўжа, уста Эшмуҳаммад, Болта Ваисовларнинг ғоят юксак маҳоратини, санъатини батафсил таърифлаш қийин. Улар минора безаклари меъморчилик қонуниятларига биноан турли масофада ўз тиниклигини ўзгартиришини эътиборга олганлар. Минорага шаҳарнинг қайси бурчагидан қаралмасин, белида товланиб турган сиркор ҳошиялар аста-секин торайиб бориши натижасида кўкка тик йўналганлиги уни янада ҳашаматли қилиб кўрсатади. Минорани цокол қисмига қалинлиги (21 см.) мармар белбоғ зилзила таъсирини сўндириш учун қўйилган.

1.5. “Ичан-Қалъа” мудофа девори дарвозалари.

Ичан-Қалъа музей қўриқхонаси ҳудудининг атрофини ўраб турган қалъа девори шаҳарнинг марказида, Хива туман бўйича қараганимизда - жануброғида жойлашган. Салкам 3000 йиллик тарихга эга Хиванинг Ичан-Қалъа пахса девор қалъаси Ўрта Осиё қалъалари орасида ўзининг хушбичимлиги юксак мудофаа хусусияти ва кўтарилиш маданияти билан ажралиб туради.

Тарихдан маълумки грунт-лой қурилиш хом-ашёси сифатида бино ва иншоотлар деворларида жуда қадим замонлардан бери ишлатилиб келинмоқда. Қалъа деворлари асосан хом лойдан, яъни пахсадан, хом ғиштдан кўтарилган. Илк феодал даври меъморчилигида бундай иншоотлар шу тарзда қурилган. Баъзида қариялардан эшитишимизча, қадим замонларда қалъа қурилишида жазога ҳукм қилинган маҳбусларни қалъа девори орасига қўйиб юборилган, деган гап-сўзларни эшитиб қоламиз. Аммо, меъморчилик-қурилиш ишларида бу умуман мантиққа тўғри келмайди, чунки бунда иншоотнинг мустаҳкамлиги камаяди, уста-меъморлар эса буни яхши билишган.



22-расм: Ичан- Қалъа пахса деворининг фрагменти.

Ичан-Қалъа девори илк бор эрамиздан аввалги VI-V асрларда қурилган бўлиб, давр ўтиши билан бир неча бор таъмирланган. Унинг узунлиги 2200 метр бўлиб, унинг тўртта дарвозаси бор. Жанубий томонида - Тош Дарвоза, Шимолида-Боғча Дарвоза, Шарқда - Полвон Дарвоза ва Ғарбида - Ота Дарвоза жойлашган.

Ичан-Қалъа XX аср бошларига келиб, бутун бошли яхлит меъморчилик композициясига асосланган ички шаҳарга айланган. У тўғри тўртбурчак шаклида қурилган бўлиб - 650 м х 400 м, жами 26 га майдонни эгаллайди (1.2-расмга қаранг). Қалъа деворининг баландлиги – баъзи жойларида 8, 0 метр, баъзи жойларида эса -10,0 метрга етади. Қалъа пастки қисмининг эни – 7,0 – 12,0 метр бўлиб, қалъанинг тепа қисмининг эни эса – 2,0 – 4,0 метрдир. Қалъанинг баҳайбат кўринадиган минора-буржлари орасидаги масофа – 30,0 – 50,0 метрни ташкил этади.

Қалъанинг асосий қурилиш материаллари – лой, ғишт, тупроқ ва гувалақлардир. Унинг девор қисми тўла хом-лой, пахсадан тикланган ва деворнинг пастки қисмлари эса катта-катта гувалақлардан териб чиқилган. Қалъа режасидан кўриниб турибдики, барча йўналишларда деворлардан ташқи томонга 10-18 м ўлчамда овал шаклда режада бутун периметр бўйлаб 25та бўртиб чиққан кунгралар мавжуд. Бундай кунгралар ҳарбий мақсадлардан ташқари қурилиш қоидалари нуқтаи назаридан ҳам тўғри ечим бўлган, яъни иншоотнинг зилзила-бардошлигини оширган.

Ичан-Қалъа деворининг қурилишида ишлатилган лойнинг нисбатан катта пластиклик хусусиятидан фойдаланиб, пойдевор қисмларига “лой ёстиқ”лар қилинган. Бу билан иншоот учун хавфли бўлган юқори частотали сейсмик тебраниш таъсирини камайтиришга эришганлар. Хива хонлиги даврида қалъанинг атрофида бир қанча қабристонлар мавжуд бўлган бўлиб, музей қўриқхона ходимлари ва Ичан-Қалъа маҳалласидагилар бу қабрларни ҳозирги пайтда ҳам таъмирлаб яхши сақламоқдалар.



**23-расм: Ичан-Қалъанинг жанубий тарафдаги қалъа девор қабристони
XX аср.**

Боғча Дарвоза - Ичан-Қалъа музей қўриқхонаси худудидаги асосий иккита Хон кўчанинг шимолий тарафидаги қалъа дарвозаси бўлиб, қўриқхонанинг шимолида жойлашган. Хива хонлигининг меъморчилигида ҳам дарвозалар жуда муҳим меъморий иншоотлар саналган. Дарвозаларнинг пайдо бўлиши мудофаа деворлари билан бир вақтга тўғри келади. Боғча Дарвоза шимолга қаратиб қурилган, у XIX аср бошларида бунёд этилган.



24-расм: “Боғча Дарвоза” ёдгорлигини ҳозирги ва таъмирлашдан олдинги кўриниши XIX аср.

Боғча Дарвозанинг ҳар икки томонида посбонлар учун махсус қурилган хоналар ҳалигача яхши сақланмоқда. Хива хонлиги даврида ҳам меъморий бинолардан энг асосийси ҳисобланган қалъа дарвозаларини мустаҳкам ва кўркам қилиб қуришга жуда катта эътибор беришган. Ичан-Қалъанинг шимолий дарвозаси бўлган Боғча Дарвозани, баъзида Урганч дарвозаси деб ҳам аташган. Хивадаги тарихий меъморий ёдгорликлар сифатида яхши сақланаётган Боғча Дарвоза 1960 - йилда ва 1997-йилда қайта таъмирланган. Ҳозирда ушбу дарвозанинг хоналарида тадбиркорлар ҳунармандчилик билан шуғулланмоқдалар ва бинони яхши сақламоқдалар.

Ота Дарвоза - Ичан-Қалъа музей кўрикхонаси ҳудудидаги асосий иккита Хон кўчасининг ғарбий тарафидаги қалъа дарвозаси бўлиб, кўрикхонанинг ғарбида жойлашган. Ота Дарвозанинг ўнг томонида Муҳаммад Аминхон



мадрасаси, чап томонида эса Кўхна Арк тарихий меъморий обидалари жойлашган.

25-расм: “Ота Дарвоза” кўриниши XX аср.

Ота Дарвоза қалъанинг ғарбий томонида қурилган бўлиб, у шаҳарга кириш учун асосий дарвоза ҳисобланган. Ота Дарвоза ёки Шермуҳаммад ота дарвозаси 1828-29 йилларда Хива хони Раҳимқулихоннинг буйруғи билан Шермуҳаммад томонидан бунёд этилган. Ушбу дарвоза XX аср бошларида, аниқроғи 1920 йилда транспортга халақит берганлиги учун бузиб ташланган. Чунки, ўша пайтда Жума Масжид ва бошқа бир қанча меъморий ёдгорликлар ичида Шўро ҳукуматининг ғалла-дон ва бошқа нарсалар сақлайдиган омборхонаси жойлашган. Ҳозирги биз кўриб турган дарвоза эса, 1975 йилда асли кўринишига асосан лойиҳаланиб, қайтадан қурилган.

Ота Дарвозани қайта қуриш пайтида ёғоч-ўймақори дарвозасини эса 1825-1842 йилларда Хивада хонлик қилган Оллақулихоннинг, Хива туманида қурдирган Боғишамол дала ҳовлисидан олиб келиб ўрнатганлар. Дарвозанинг ичкари қисмида 13 та савдо растаси, бостирмали бозор-чорсу бўлган. Хива хонлиги даврида хорижий мамлакатлардан келган савдогарлардан бож ундириладиган “Божхона”, пул алмаштириладиган “Саррофхона”лар ҳам ушбу дарвоза ичкарасида мавжуд бўлган. Ҳозирги пайтда Ота Дарвозанинг ичкараси талаб даражасида таъминланган ва унинг ички хоналаридан савдо-сотик ишларига оид китоблар, сувинерлар сайёҳларга сотилмоқда.

Полвон Дарвоза -шаҳристоннинг шарқий томонида XIX аср бошларида бунёд этилган. Полвон Дарвозанинг меъморий иншоот сифатида бунёд бўлиши Хоразм меъморчилигидаги энг катта ютуқдир. Тарихий ривоятларга қараганда, халқ Полвон Дарвозани “Пошшоб” дарвоза, яъни Қул дарвоза, деб ҳам атаган. Дарвозага нима учун бундай ном берилганлигини тушуниш қийин эмас. Ичан-Қалъадан чиқаверишда дарвозанинг ўнг томонида Хива хонлиги даврида то 1873 йилгача “қуллар бозори” бўлган. Қочоқлар ва бўйсунмаган қуллар шу дарвоза олдидаги тахмонларда ўз тақдирини кутиб ўтиришган, яъни уларни сотиб юборганлар. Кейинчалик эса дўкандорлар ва хунармандлар дарвоза олдидаги супачаларда савдо-сотик қиладиган бўлганлар.



26-расм: “Полвон дарвоза” XIX аср.

Полвон Дарвоза йиллар давомида ён-атрофида қурилишлар бўлганлиги натижасида, яъни Оллақулихон мадрасасини қуришда Дарвозанинг бир нечта қисмлари бузиб ўзгартирилган. Дарвозанинг қурилган қошин плиткарга “Шаҳри Хива” сўзи билан таарих битиб ёзилган, яъни 1804-06 йилларда қурилган. 1833 йилда эса баъзи қисмлари ўзгартирилган. Полвон Дарвоза Ичан ва Дешон қалъанинг барча дарвозалари орасида энг қадимий ва ўлчами жиҳатдан ҳам энг каттаси ҳисобланади. Дарвоза савдо

ҳамда коммунал иншоотларнинг бутун бир комплексига туташган 60 метр узунликдаги усти ёпиқ, ўтиш йўлаклари олти гумбазли тимдан иборат.



27-расм: “Тош дарвоза” XIX аср.

Тош Дарвоза 1830-40 йилларда хонликдаги мулозимлардан бўлган - Саид Муҳаммадхон Ангариқ дарвозани буздириб деворларини тошдан ишлатган. Шунинг учун ҳам бу дарвозани Тош Дарвоза деб атаганлар. XIX аср охирларида, яъни Муҳаммад Раҳимхон Феруз даврида ҳам бу дарвоза қайта қурилган. Тош Дарвозани маҳаллий халқ тилида айтиладиган яна битта номи бу –“Кўҳна Бозар Дарвозаси”дир. Ичан-Қалъанинг ушбу ҳудудида қадимдан бозор жойлашганлиги учун ҳам бу дарвозани шундай атаганлар. Тош Дарвоза жанубга қаратиб қурилган. Бу ердан кейин воҳанинг Қорақум томонидаги саҳролари бошланиб кетади.

Дарвоза олдин тошдан сўнгра эса пишиқ ғиштдан тикланган бўлиб, дарвозага умуман кошин безаклар ишлатилмаган. Дарвозахона асосан равоқсимон пештоқ, гумбазли, ўтиш йўлақлар атрофида махсус соқчилар учун қурилган хоналар ва икки четида гулдаста – миноралар, ҳамда минорага ва қалъа устига чиқиш учун ишланган зинапоялардан иборат бўлган.

КОНСТРУКЦИЯ

БЎЛИМИ

Консултант: _____

Битирувчи: _____

Рахбар: _____

2.1. Турар жой иншоотлари. Ўрта асрларгача бўлган конструкциялар....

Меъморчилик фаолияти сўнги палеолит замонасида бошланган дейилади. Бу даврда қурилиш техникаси оддий утилатор масалани ечувчи техник фаолиятдан инсонларнинг оддий маънавий эҳтиёжларини қониқтирувчи мураккаб тартибдаги масалаларни ечувчи фаолиятга ўта бошлаганлиги билан ҳарактерланган.


Оддий конструктив элементлар ва тизимларни эстетик фикрлаш тектоника билан боғлиқ бўлган. Кейинроқ аниқ ғоявий-бадий мазмунни ривожланиши бадий техник қурилиш даврини, яъни архитектура даври бошланганлигини билдиради. Бу давр билан инсон фаолиятининг янги қирраси бадий санъатни пайдо бўлиш жараёни ҳам боғлиқдир.

Қадимги даврида тошдан ясалган, такомиллашган меҳнат қуроллари пайдо бўлган ва у инсоннинг моддий имкониятларини янада кенгайтирган. Олов билан болта яхлит дарахтдан хатто қайиқ, уй-жой учун ғўла ва тахта тайёрлаш имкониятини берган. Узунлиги 30 м ва майдони 150 квм ни ташкил этган консентрик айланалар бўйлаб жойлашган (диаметри 170 м бўлган катта айлана бўйлаб катта, кичик айлана бўйлаб) кичик уйлар қурилган.

Ўрта Осиёда капалар конуссимон ёки гумбазсимон шаклда, деворлари махсус новдалардан тўкилиб, устидан шох – шабба, ўсимлик поялари ташланган. Эшик оғзи қамиш ёки мато билан махсус ишланган гулдор кигиз билан ёпилган. Атрофи ва усти қамиш, бордон ёки чий билан беркитилган тури олачиқ деб номланган, айрим ерларда сомон сувоқ ҳам қилинади. Капалар ердан 2-3 м баланд, тўрт устун тепасига қурилади. Иқлими иссиқ мамлакатларда ҳали ҳам турар жойнинг асосий тури сифатида сақланган.

2.2. Паҳса деворли бинолар

Маҳаллий деворматериаллари орасида маълум даражада бириккан, куйдирилган тупроқлардан қилинган девор материаллар табиий тошлар билан бир қаторда туради. Бу материаллардан асосан ўрмонсиз, қуруқ иқлимли ва ёзи узоқ бўлган районларда уйлар қурилади. Тупроқ материаллардан деворлар қуйма ёки олдиндан тайёрланган йиғма тупроқ блоклардан кўтарилади. Бундай деворларга тўлдирувчисиз тоза лойдан қуйилган ҳом ғиштлардан кўтарилган деворлар мисол бўлади. Бундай деворларни сувга чидамлилигини ошириш учун уларга оҳак, сачиқ ёки қатрон қўшилади. Бундай блоклар терролитли деб аталади. Тупроқ блоклар терилгандан сўнг 5% гача, қуйма деворларда 18% гача ҳажми кичрайишини назарда тутиш керак.



28-расм: Паҳса девор

Ўрта Осиё меъморчилигида паҳса қадимдан маълум. Қадимда баъзи шаҳарларнинг деворлари, қалъа кўрғонлари паҳсадан ишланган. Улар


мудофаа аҳамиятига эга бўлганлиги сабабли жуда мустаҳкам қурилган. Шаҳар деворларининг икки чекаси паҳсадан кўтарилиб, ўртаси тупроқ билан тўлдирилган. Дастлаб паҳса камиш ёки ёғоч пойдевор устига урилган. Ҳозир паҳса деворлар бетон, пишиқ ғишт ёки тош пойдевор устига қўйилади. Паҳса учун тупроқ пойдевор атрофидан олиниши ёки бошқа жойдан келтирилиши ҳам мумкин. Одатда, соз тупроққа сув урилиб, лой қорилиб, тебкилаб пишителиди. Кетмон ёки белкурак билан 2 – 3 марта ағдариб пишитиб меъёрига етказилади. Сўнг пойдевор устига бўлак – бўлак қилиб, ётқиза бошланади. Оддий иморат қуришда бир паҳсанинг баландлиги 60 см дан 1 м гача, қалинлиги 40 – 60 см бўлади. Маълум баландликка кўтарилгандан сўнг паҳса деворларининг ташқари ва ичкари томонлари белкурак ёрдамида текисланади. Албатта, пойдевор ва девор орасида сувдан сақлайдиган қатлам бўлиши шарт.

2.3. Синчли ёғоч конструкциялари

Тош каби ёғоч ҳам жуда қадимий қурилиш ашёси ҳисобланади. У жуда қадимдан ҳар хил қурилишларда қўлланиб келинган. Дастлабки, ёғоч кўприклар эрампиздан юз йиллар аввал қурилган. Кесилган ёғоч конструкциялар қадимда қалъа деворларини қуришда ҳам ишлатилган.

Иншоотларни зилзилага чидамли қилиб қуришнинг бирдан – бир тўғри йўли қуриш жараёнида меъморий талаб ва қоидаларга риоя этишдир. Тажрибалардан маълум бўлдики, яхши қурилган синчли бинолар зилзилага чидамли экан. Маҳаллий қурилиш материалларидан тикланадиган синчли уйларнинг қуйидаги конструкциясини тавсия этамиз. Одатда, юк кўтарувчи ташқи деворлар қўшсинчли, ички девор ёки пойдеворлар эса яхлит синч девор қилиб ишланади. Бундай иморатларни қуриш анча мураккаб, агар синчли девор қоида бўйича қурилмаса қўйилган талабни оқламаслиги, яъни ер силкинишига бардош бермаслиги мумкин.

Ёғоч конструкциялар бир қанча кимёвий таъсирларга ўта чидамли бўлгани учун улар минерал ўғитлар, кимёвий моддалар ва бошқа агрессив материаллар сақланадиган омборларда қўйилади. Бошқа ёғочдан қилинган уйларга нисбатан буларга ёғоч анча кам сарфланади.



29-расм: Синч девор

Работы имеют познавательную ценность
т.к. в ней автор дал сведения по многим
вопросам и там-камы.

БМИ (МД)нинг бажарилиш сифати:

Выпускник смог систематизировать
данные развития чжан-каши, что ранее
никем не выполнялось.

БМИ (МД)нинг асосий камчиликлари:

К сожалению в работе не затронуты
проблемы других городов средневекового
Хорезма.

Таклиф ва мулоҳазалар: :

Выпускная работа может
быть рекомендована к защите.

БМИ (МД) натижаларини напш этиш, хаётга тадбиқ этиш имкониятлари:

Некоторые позеции свитера могут
быть опубликованы в печати.

Умуман БМИ (МД)

92 отличной оценки баҳога лойиқдир.

Тақризчининг Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими

Кандидат сиркитентуры
Мухамедисаилов К

(имзо)



“ 24 ” 12 2018. йил.

2-14 Аў гурух талабаси Решлов Валентин Васильевич
(Ф.И.Ш.)

Томонидан “Архитектура тарихи ва назарияси” кафедрасида
бажарилган «Иккунча ва ўрта асрлардаги қоразми шовқарлари.
Шовқарларнинг ва ансамблларнинг тизими графика» мавзусидаги
малакавий битирув иши (диплом лойиҳасига)

ТАҚРИЗ

Рецензияга такдим этилаётган лойиҳа 3 планшетдан ва 72 бетдан ташкил топган тушунтириш хатидан иборат. (Кўл ёзма. Электрон нусха).

Кўрилаётган лойиҳанинг қисқача тавсифи:

1. Бош режа Кива шакарларнинг ривожланган босқичлари ва асосий тузилмаси усуллари.
2. Лойиха ечими Кива шакарнинг шакли ва тасвирлар тар бир даража мослиги аниқлаш.
3. График ёндашиш Веттерув шакли тур графикасида тасвирлар ва асосий усулда бўлган.
4. Арх.режавий ечими Властларда кива шакарнинг ривожланган босқичлари тар усулда шодани.
5. Транспорт ва ижтимоий инфраструктураси, кўкламзорлар ва ободонлаштириш ечими _____
6. Тушунтириш хати Этапнинг шакли ва тар
7. Диплом лойихаси бўйича камчиликлар Коразидан бошқа шакарларнинг ривожланган босқичлари ечилишган.
8. Лойиханинг баҳоси Тузилган ва

№	Баҳолаш мезони	Норматив рейтинг баҳолаш % да	баҳо
1.	Долзарблиги	10	10
2.	Меъморий тархӣ ечими	45	40
3.	Конструктив ечими	10	10
4.	График ифодалаш	25	20
5.	Тушунтириш хати	10	10
6.	Якуний баҳо	100%	90

Рецензент: Мамроев Ватедир Рахмобаевич ТМН Архив.р. Мар. пулдери.
(рецензентнинг Ф.И.Ш. ишлайдиган ташкилот номи, лавозими)

Мама